

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КИМ АНТОНИНА АМУРОВНА**

**ИС ГАЗИДАН ЎТКИР ЗАҲАРЛАНИШДА БОШ МИЯ  
СТРУКТУРАВИЙ ЎЗГАРИШЛАРИНИ  
ТАНАТОГЕНЕТИК БАҲОЛАШ**

**14.00.24 – Суд тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ким Антонина Амуровна**

Ис газидан ўткир заҳарланишда бош мия структуравий ўзгаришларини танатогенетик баҳолаш..... 3

**Ким Антонина Амуровна**

Танатогенетическая оценка структурных изменений головного мозга при остром отравлении угарным газом..... 21

**Kim Antonina Amurovna**

Thanatogenic evaluation of structural alterations of the main brain in acute carbon monoxide poisoning..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КИМ АНТОНИНА АМУРОВНА**

**ИС ГАЗИДАН ЎТКИР ЗАҲАРЛАНИШДА БОШ МИЯ  
СТРУКТУРАВИЙ ЎЗГАРИШЛАРИНИ  
ТАНАТОГЕНЕТИК БАҲОЛАШ**

**14.00.24 – Суд тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1274 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарканд Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-соҳифасида [www.tma.uz](http://www.tma.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Индиаминов Сайит**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рузиев Шерзод Ибадуллаевич**

тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Акбергенова Камилла Абдикеримовна**

тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Етақчи ташкилот**

**Ижевск давлат тиббиёт академияси  
(Россия Федерацияси)**

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «4» июл соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru). Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали)

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (746 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел/факс: (+99878) 150-78-25)

Диссертация автореферати 2021 йил «23» июл да тарқатилди.  
(2021 йил «23» июл даги 5 рақамли реестр баённомаси).



*G. I. Shaykova*

**Г.И.Шайхова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

*I. O. Otajonov*

**И.О. Отажонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

*R. D. Usmanov*

**Р.Дж.Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида ис газидан заҳарланиш ҳолати кенг тарқалаётганлиги ва кечишининг оғирлиги туфайли долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Сўнги йилларда «...ис газидан заҳарланиш ҳолати бир қатор мамлакатларда аҳоли ўлимининг асосий сабабларидан бири бўлиб, жабрланган инсонларнинг аксарияти ҳодиса рўй берган жойларда вафот этганлар...»<sup>1</sup>. Заҳарланишлардан жабрланган шахсларга ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш борасида беморлар ўлими асосий ва бевосита сабабларини аниқлаш ҳамда ўлим механизми - танатогенезини баҳолаш бугунги кунда тиббиётда долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ис газидан заҳарланишларнинг турли шаклларида олий нерв фаолияти, бош мия ҳамда ички аъзолар тузилмаларидаги юзага келадиган морфологик ўзгаришларни танатогенетик баҳолаш ва ўлимнинг бевосита сабабини асослашни оптималлаштиришга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ис газидан заҳарланишга ўта таъсирчан бўлган бош мия катта ярим шарлари ва мияча тузилмаларидаги ўзгаришлар жиҳатлари ва даражасини асослаш, шунингдек ўткир алкохол интоксикация ва термик шикастланиш негизида ис газидан заҳарланиш оқибатидаги ўлимда ушбу тузилмалар зарарланишининг морфологик жиҳатлари ва даражасини тўлақонли текшириш асосида ўлимнинг асосий ва бевосита сабабларини аниқлашни яхшилаш ҳамда танатогенезни асослаш борасида тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилаш имконини берадиган сифатли соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, жумладан, турли омиллар таъсирида юзага келадиган бевақт ўлимни эрта ташхислаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ис газидан заҳарланишларнинг турли шаклларида бош мия ва мияча тузилмаларидаги ўзгаришларни танатогенетик баҳолаш ва ўлим сабабини самарали ташхислаш тартибини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 феврал ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

<sup>1</sup> Kinoshita H, Türkan H, Vucinic S, et al. Carbonmonoxidepoisoning. ToxicolRep. 2020;7:169-173

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабр ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июн ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 4 декабр ПҚ-4049-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 6 май ПҚ-4310-сон «Тиббий ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ис газидан захарланиш муаммосининг долзарблиги организмдаги унинг таъсири билан боғлиқ ўзгаришларни ўрганишга оид тадқиқотларнинг тобора ошишига олиб келмоқда. Қатор тадқиқотлар ис газидан захарланишда бош мия тузилмаларида кузатиладиган ўзгаришларнинг суд-тиббий жиҳатларига бағишланган (Богомоллова И.Н., 2007; Остапенко О.Ю., 2012; Vaud F. et al., 2017; Ku C.H. et al., 2019; Kinoshita H. et al., 2020). Марказий асаб тизимининг ис газига ўта сезгирлиги туфайли бундай захарланишдаги ўлим нафас маркази фалажланиши натижасидаги асфиксия типиди содир бўлиши таъкидланади (Лужников Е. А., 2010; Соколова Н.А., 2011; Guo D. et al., 2020). Айни пайтда ис газидан захарланиш оқибатидаги ўлим ҳолатларининг суд-тиббий ташхисоти – аъзо ва тўқималардаги макро - ва микроскопик ўзгаришларга, шунингдек вафот этган шахсларнинг қонидаги карбоксигемоглобин миқдорига ҳамда клиник мезони ва лабораторик текширувлар натижаларига асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Бироқ, бу маълумотлар ҳар доим ҳам ушбу ҳолатнинг суд-тиббий ташхисотни ва танатогенезини асослашга имкон бермайди. Негаки, ис газининг турли хилдаги манбалари мавжудлиги ёки захарланишга хос аниқ макро- ва микроскопик белгиларнинг йўқлиги ёки уларнинг суст ифодаланганлиги, қонда карбоксигемоглобинининг паст концентрияси, шунингдек ис газидан захарланишнинг фон ёки рақобатдош ҳолатлар, биринчи навбатда ўткир алкохол интоксикацияси ва термик шикастланишлар негизда кечиши суд-тиббий ташхисотда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаради (Богомоллова И.Н., 2007; Лысенко В.И. ва ҳаммуаллифлар, 2017; Борисевич С.Н., 2019; Guo J. et al., 2014; Jeon S.V. et al., 2018). Ис газидан захарланиш аксарият ҳолларда ўткир алкохол интоксикацияси негизда содир бўлишига қарамасдан, ҳозирги вақтга қадар бу турдаги захарланиш жараёнининг кечув

хусусиятлари бўйича ягона фикрлар мавжуд эмас. Баъзи муаллифлар организмда алкоголь интоксикацияси мавжуд бўлганда ис газидан захарланиш жараёни кучайишини таъкидласа, бошқа тадқиқотчилар алкоголь интоксикациясининг энгил даражасида ис газидан захарланиш токсик даражаси пасайишини, аммо этанол концентрациясининг қондаги миқдори ошиши билан бу ҳолатларнинг синергизми юзага келишини кўрсатадилар (Саляхова Р.М. ва ҳаммуалифлар, 2002; Искандаров А.И., Абдукаримов Б.А., 2009; Ruas F. et al., 2014; Sekiya K. et al., 2019).

Ўзбекистонда суд тиббиёти соҳасида қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди: корин бўшлиғи ва ретроперитонеал бўшлиқ шикастланишларини суд-тиббий баҳолаш (Хван О.И., 2017); қандли диабетдаги дерматоглифларнинг эксперт баҳолаш (Рўзиев Ш.И., 2017); алкогольли интоксикация фонида ис газидан ўткир захарланишни суд-тиббий баҳолаш (Искандаров А.И., Абдукаримов Б.А., 2010) бош мия жароҳатланишида церебрал ва экстрацеребрал танатогенез (А.С. Машарипов, 2020); аммо, ис газидан ўткир захарланишнинг турли хилдаги йўлдош ёки рақобатдош ҳолатлар негезида кечишида захарланишга ўта таъсирчан бўлган бош мия структуравий ўзгаришларининг жиҳатлари ва даражасининг танатогенетик асослари ўрганилмаган. Ис газидан захарланишнинг турли хиллари танатогенезининг кўплаб жиҳатлари ҳанузгача аниқланмаганлиги боис, бу борада ташҳисот ва дифференциал ташҳисот мезонлари ҳам ишлаб чиқилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №2304530 «Қўшма таъсирот омиллари оқибатидаги жароҳатланишларда механогенез ва танотогенезни баҳолаш» мавзусидаги илмий лойҳа доирасида бажарилган (2018–2021 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** ис газидан захарланишда бош мия структуравий ўзгаришларини танатогенетик баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ис газидан захарланиш оқибатидаги ўлимда бош мия катта ярим шарлари ва мияча тузилмалари ўзгаришлари ва даражасининг морфологик ва морфометрик жиҳатларини аниқлаш;

ис газидан захарланишнинг ўткир алкоголь интоксикация ва термик шикастланиш негезида кечуви билан боғлиқ ўлимда бош мия катта ярим шарлари ва мияча тузилмалари зарарланиши ва даражасининг морфологик ва морфометрик жиҳатларини баҳолаш;

ис газидан захарланишнинг юқорида қайд этилган фон ёки рақобатдош ҳолатлар негезида кечувидаги ўлимда бош мия катта ярим шарлари ва мияча тузилмалари зарарланиши ва даражасининг морфологик жиҳатлари ҳамда морфометрик кўрсаткичлари фарқларини очиб бериш;

ис газидан ўткир заҳарланишнинг турли шаклларида ўлимнинг асосий ва бевосита сабабларини аниқлаш ва танатогенезни баҳолаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 117 нафар шахслар жасадлари, тиббий баёнлар, дастлабки суриштирув ва тергов материаллари, экспертизалар хулосалари, суд-кимёвий ва суд-гистологик текширувлар натижалари олинган (2019-2020й).

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида бош мия ярим шарлари ва мияча тузилмалари - нейронлар, нейропил, глиал хужайралар, қон томирлар, томир ичи таркиби, перинейронал ва периваскуляр бўшлиқларда турли кўринишдаги танатогенезнинг вужудга келиш ҳолатларни баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда катамнестик, макроскопик, клиник, суд-гистологик, суд-кимёвий, морфометрик, статистик усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ис газидан ўткир заҳарланишнинг турли шаклларида вафот этганларнинг бош мия катта ярим шарлари ва мияча қон томирлари тизими тузилмаларининг дистрофик зарарланишга олиб келувчи морфологик жиҳатлари ва органларнинг шикастланиш даражаси очиб берилган;

бош мия ярим шарлари ва мияча тузилмаларидаги аниқланган ўзгаришлар асосида ўлим агонал тарзда кузатилиши ва қонда карбоксигемоглобин миқдори 60% дан юқори бўлганда, юқоридаги тузилмалар зарарланиш даражасининг ошиши асосланган;

ўткир алкоголь интоксикацияси негизидаги ис газидан заҳарланишда мия тузилмаларида юзага келган морфофункционал етишмовчилик оқибатида агонал давр қисқариши ва бу ҳолат этанол миқдори қонда 3%о дан ҳамда карбоксигемоглобин миқдори 60% дан юқори бўлганда намоён бўлиши исботланган;

ис газидан заҳарланишнинг алкогольли интоксикация ва термик травма ҳолатларида томирлар спазми ва қон реологик хусусиятлари бузилиши нейронларнинг кариоцитозга қадар жиддий зарарланишига, тузилмаларда шишинишнинг кучайишга, глиал хужайраларда - дренаж тармоғи шаклланишига олиб келиши тасдиқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ис газидан заҳарланишнинг турли шаклларида вафот этган шахслар жасадлари суд-тиббий экспертизасини самарали амалга оширишга имконини берган;

ис газидан заҳарланишнинг турли шаклларида ўлимда бош мия катта ярим шарлари ва мияча тузилмалари ўзгаришларини баҳолашнинг суд-тиббий ташхисотда қўллаш учун тавсия этилган;

ис газидан заҳарланишнинг турли шаклларида ўлимнинг асосий ва бевосита сабабларини ва танатогенезни баҳолаш кетма-кетликдаги тартиби суд-тиббий амалиётида қўллаш учун тавсия этилган;



бош мия катта ярим шарлари ва мияча тузилмаларида юзага келган ўзгаришлар хусусиятлари ис газидан заҳарланишнинг турли шаклларида жабрланган шахсларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражадаги кузатувлар сонининг мавжудлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги ва уларнинг бир-бирини тўлдирадиган катамнестик, макроскопик, суд-гистологик, суд-кимёвий, морфометрик ва статистик усуллардан фойдаланилган ҳолда ис газидан ўткир заҳарланишнинг турли шаклларида бош мия катта ярим шарлари ва мияча тузилмаларидаги ўзгаришларининг атрофлича текширилганлиги ва олинган натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққослангани ҳамда хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нейронлар, глиал хужайралар, томирлар, томир ичи таркиби ва бошқа тузилмалари зарарланиш хусусиятларининг ис газидан заҳарланишининг турли шаклларида вафот этган шахслар ўлими сабабини, ўлимини юзга келишига олиб келувчи омиллар таъсирини ойдинлаштириш, танатогенезни ташхислаш ва самарали баҳолаш тартиби такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ис газидан заҳарланишнинг турли шаклларида нейронлар, глиал хужайралар, томирлар, томир ичи таркиби ва бошқа тузилмаларни суд-тиббий экспертизасини амалга оширишда хулосаларининг тўлиқ шакллантириш ва асослашни таъминлашга доир ташхисот ва дифференциал ташхисот мезонларнинг ишлаб чиқишга замин яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ис газидан ўткир заҳарланишнинг турли шаклларда бош мия катта ярим шарлари ва мияча тузилмаларидаги ўзгаришларни танатогенетик аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ис газидан заҳарланиш ҳолатида жасадларни суд-тиббий экспертизаси бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ис газидан заҳарланиш ҳолатида жасадларни суд-тиббий экспертизадан ўтказиш (текшириш) методологияси» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/170-сон маълумотномаси). Натижада ис газидан заҳарланишнинг танатогенезини асослашда жасадларда суд-тиббий текширувлар сифатини ошириш йўллари кўрсатилган ва текширувларни тизимли ташкиллаштириш имконини берган;

қон заҳарлари билан заҳарланганда мияни суд-гистологик ўзгаришлар бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Қон заҳарлари билан заҳарланганда мияни суд-гистологик текшириш

методологияси» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/170-сон маълумотномаси). Натижада қон заҳарларидан, жумладан ис газидан заҳарланишнинг танатогенезини асослашда бош мия ва ички аъзолар суд-гистологик текширувларининг сифатини ошириш йўллари кўрсатилган ва текширувларни тизимли ташкиллаштириш имконини берган;

ис газидан заҳарланишнинг турли шаклларда бош мия катта ярим шарлари ва мияча тузилмаларидаги ўзгаришларнинг морфологик ва морфометрик жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Жиззах, Навоий ва Тошкент вилоятлари филиалларининг морфологик ва суд-гистологик бўлимлари амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 8н-з/155-сон маълумотномаси). Олинган натижалар суд-тиббий ташхисот муддатини қисқартиришга, иқтисодий сарф-харажатларни камайтиришга ва суд-тиббий текширувлар сифатини яхшилашга ва асослашга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этаган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ис газидан заҳарланиш муаммосининг замонавий ҳолати, долзарбликнинг суд-тиббий жиҳатлари ва уни ҳал этиш йўллари**» деб номланган биринчи боби тўртта кичик бўлимдан ташкил топган бўлиб, заҳарланиш ҳолатларида бош мия тузилмалари ўзгаришларининг нанатогенетик аҳамиятини ўрганиш бўйича жаҳон

адабиётларидаги маълумотларнинг батафсил таҳлили натижалари келтирилган. Ўрганилаётган масалалар бўйича адабиётларда маълумотларнинг етарли даражада эмаслиги ва айрим мавжуд натижаларнинг бир-бирига номувофиқлиги ҳамда ис газидан (СО) захарланиш шаклларида танатогенетик баҳолаш юзасидан маълумотлар тизимлаштирилмаганлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «**Ис газидан захарланиш суд-тиббий жиҳатларини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ис газидан захарланишдан вафот этган 117 нафар шахслар бош мия катта ярим шарлари ва мияча тузилмаларини ўрганишга доир ўтказилган тадқиқотлар материаллари ва услублари берилган. Ўлим сабаби, фон ёки рақобатдош ҳолатлар мавжудлигига қараб, текширилган материаллар 4 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ - СО дан захарланишдан ўлим - 78 ҳолат; 2-гуруҳ – ўткир алкоғол интоксикация (ЎАИ) негизда СО дан захарланишдан ўлим-21 ҳолат; 3-гуруҳ - термик шикастланиш негизда СО дан захарланишидан ўлим - 10 та ҳолат; 4-гуруҳ - термик шикастланиш ва ЎАИ негизда СО дан захарланишидан ўлим - 8 та ҳолат. Вафот этганлар орасида эркаклар - 68% (79 ҳолат), 32% аёллар (38 ҳолат) ни ташкил этган. Захарланиш ҳолатлари эркакларда катта устунликка эга бўлиб, асосан меҳнатга лаёқатли ёшни камраб олган.

Газохроматографик усули билан ўтказилган суд-кимёвий таҳлиллари натижаларига кўра, ЎАИ негизда СО дан захарланиш оқибатида вафот этган шахсларда 21 та ҳолатда қон ва сийдикда этанол борлиги аниқланди. Қондаги алкоғолнинг концентрацияси 3 %гача -15 ҳолатда, 4 та ҳолатда эса - 3 % дан юқори бўлган, 2 та ҳолатда этил спирти фақат сийдикда (1,05 % ва 0,55%) аниқланган. Термик шикастланиши негизда СО дан захарланиш гуруҳида 8 та ҳолатда қонда этил спирти аниқланган, улардан 4 нафарида, этил спирти миқдори 3 % гача, қолган 4 нафарида 3 % дан кўпни ташкил этган.

Тадқиқот учун материал бош мия катта ярим шарлари пўстлоқ ва унинг асосида ётувчи оқ модда билан ҳамда мияча тўқимаси бўлакчалари олиниб 10% нейтрал формалинда фиксация қилинди, спиртли батарея орқали ўтказилди ва парафинли блоклар тайёрланди. Тайёрланган гистологик қирқмалар гематоксилин ва эозин, Ван Гизон, Ниссл ва Маллори усулларида бўялди.

Тадқиқотлар 2 босқичда: - биринчи босқичда бош мия ва мияча тузилмаларининг микроскопик, иккинчи босқичда тузилмаларнинг морфометрик текширувлари ва натижаларнинг статистик ишлови ўтказилди. Ҳар иккала босқичда мия қон томир ва нерв тўқимаси тузилмаларида нейронлар, глиал ҳужайралар, қон томирлар ҳолати ва қон томирлар ичи таркиби, перицеллюляр бўшлиқ (ПЦБ) ва периваскуляр бўшлиқ (ПВБ) ҳолатлари сифат ва миқдорий жиҳатдан баҳоланди. Жумладан, А.И. Чубинидзе усули асосида нейронларнинг зарарланиш оғирлиги (ЗО), зарарланиш ҳажми (ЗХ) ва зарарланиш даражаси (ЗД) аниқланди. Глиал ҳужайралар ҳолатини баҳолашда Д.В. Богомолов томонидан тавсия этилган


окуляр линейка ёрдамида глиал кўрсаткич аниқланди; стандарт майдонда нейронлар ва нейроглияларнинг зичлиги; пўстлоқдаги глио-нейрон, нейрон-нейрон, глио-глиал муносабатлар ҳисобланди; ПЦБ ва ПВБ ҳолатини баҳолаш учун Г.Г Автандилов томонидан тасия этилган 4 та кичик квадратчали (ҳар бири 25та нуктадан иборат) нуктали тўр ишлатилди; микроскопик текшириш жараёнида, бош мия тузилмаларининг сифат тавсифидан ташқари, тузилмалардаги ўзгаришлар баҳоланди.

Гистологик препаратлар «Leica EC3»рақамли камераси ва Pentium IV компютери билан боғланган «Leica GME»микроскопи ёрдамида ўрганилди ва суратга олинди. Фотосуратларни қайта ишлаш Windows Professional дастурлари ёрдамида амалга оширилди.

Маълумотларни математик қайта ишлаш учун ўртача арифметик М, нисбий қийматларнинг ўртача хатоси ва t тафовут ишончлилиқ коэффициентини Стюдент бўйича баҳоланди. Тадқиқот натижаларининг статистик ишловида «Statistica for Windows 7.0» персонал компютери амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Ис газидан заҳарланишнинг турли шаклларида бош мия морфологияси**» деб номланган учинчи боби тўртта кичик бўлимдан ташкил топган бўлиб, СО дан заҳарланишнинг бошқа фон ёки рақобатдош ҳолатлар билан кўшилиб келишида бош мия ва миёча тузилмаларининг барча 4 та гуруҳларидаги микроскопик тадқиқотлар натижалари келтирилган: 1-гуруҳ СО дан заҳарланиш туфайли вафот этган 78 нафар шахслар жасадидан олинган бош мия катта ярим шарлари ва миёча тузилмалари ҳолатининг микроскопик текширув натижаларини ўз ичига олади. Вафот этганларнинг қонида карбоксигемоглобин ( $\text{HbCO}$ ) концентрацияси 29,58% -87% ташкил этган. Бунда миёга юмшоқ пардасида шишиниш, толаланиш ва ҳужайра элементларини деструкцияси аниқланди, шунингдек юмшоқ пардадаги коллоген толалар шишинган ва гамогенлашган. Ҳужайраларнинг бироз пролиферацияси туфайли арахноидэндотелийнинг қалинлашганлиги қайд этилган. Бириктирувчи тўқима толаларида якка ҳолдаги эритроцитлар ва шишган ва оқиш рангли ядрога эга бўлган маҳаллий ҳужайралар мавжуд бўлиб, улар орасида ядроси эксцентрик жойлашган овал шаклидаги кўплаб катта ҳажмга эга бўлган ҳужайралар топилади. Уларнинг цитоплазмаси донадор, оч пушти рангли бўлиб, ҳужайралар юмалоқ шаклларга ҳам эга бўлди. Миёга пардасининг барча типдаги ва калибрдаги қон томирларида тўлақонлилиқ, стаз ҳолати, қон шаклли элементларининг плазмадан ажралиши кузатилади, бироқ шаклли элементлар миқдори камроқ бўлди. Бир қатор қон томирларда сладж ҳолати ҳам кузатилади. Миёга юмшоқ пардаси ва моддаси ўртасида шишиниши ривожланиши ҳисобига кенг бўшлиқ кузатилади, шунингдек радиал артерия атрофидаги бўшлиқнинг ҳам кенгайиши аниқланади. Артериялар адвентицияқаватида ва кам сонли веналарнинг пардаларида бироз коллогенезация рўй берганлиги қайд қилинади. Миёга микроциркулятор қон томирларида кучли ривожланган тўлақонлилиқ мавжуд бўлиб, улардаги эритроцитлар плазмадан ажралиб

туради ва эритроцитларнинг диапедез ўчоқлари қайд этилди. Плазма оксилларининг чўкинди ҳосил қилиши натижасида, гемолизланган эритроцитлар микроциркулятор томирларда гиалинли тромб ҳосил қилган. Периваскуляр шишиниш қон томирларнинг мия тўқимасидан ажратиб турувчи ёриқларни ҳосил қилган. Артерия ва веналар нотекис тўлқонли, айрим жойларда эндотелия шишинган, гиперхромли, кучсиз пикноморф эканлиги аниқланади. Веноз гипермия ҳолатида томир ичи стази ва эритроцитларнинг агглютинацияси, «гиалин тромблари» га ўхшаш жойлари бўлган плазма стази кузатилади. Юмалоқ контурли эритроцитлардан иборат кичик экстравазатлар кўринади. Нервоцитлар структурасида дистрофик ўзгаришлар аниқланади, хужайралар шишинган, ўсимталари калталашган, ядро ва протоплазманинг контурлари ноаниқ ва хроматолиз қайд этилади. Аксарият нервоцитлар гиперхром ва бўжмайган, ядросининг контурлари деярли ноаниқ, хужайра-соя, эриётган нервоцитлар ва нейронофагия ҳолатлари мавжуд. Глиал хужайралар томонидан ҳаётийлик реакцияси оз миқдорли дренаж шакллари, сателлитоз, глиал перицеллюляр шишиниши кузатилади (1-расмга қаранг).




**1-расм. Бош мия пўстлоғи. Ифодаланган ПЦБ, ёруғлашган нейропил, оғир даражада зарарланган нейрон: пикноз, кариоцитоллиз. Гематоксиллин ва эозин билан бўялган.**

**Об.40, 10. (HbCO - 82%, А - 32 ёш)**

Қонда HbCO концентрациясининг ошиши ҳолатларида Ниссл услубида бўялган препаратларда бош мия пўстлоғи нейронларидаги дегенератив ўзгаришлар ва нейронларнинг зарарланиши кўпроқ даражада ифодаланган бўлди. Бу ҳолато эриётган нервоцитлар ва хужайра - соя сонининг кўпайиши билан намоён бўлди. Миячада – юмшоқ пардаси тўлақонли, ганглиар қатламда нейронларининг ҳажми катталашган, шишиниш ва оғир дистрофик ўзгаришлар, хужайра - соя, ноксимон хужайраларнинг йўқолиши кузатилди. ПВБ и ПЦБ кенгайган бўлиб, бўшлиқларда майда-майда, кучсиз ифодаланган эозинофил тикинлар кўзга ташланди. Периваскуляр рарификация жойлари ва нейропилнинг криброз ҳолатдалиги аниқланди. Веноз томирларда гиперемия, қон томир ичи стази ва эритроцитлар агглютинацияси, плазма стази, юмалоқ контурли эритроцитлардан иборат кичик экстравазатлар кўринади. Қон томир ва тўқима тузилмалари ўзгаришларининг даражаси қонда HbCO концентрациясига бевосита боғлиқ бўлди ҳамда қонда HbCO миқдори 60% ва

ундан юқори бўлганда, қон томирлар ва нерв тўқимаси тузилмалари зарарланиш даражаси интенсивлиги кескин ошиши қайд этилди.

2-гурӯҳ кузатувларда – 21 та ҳолатда бош мия пўстлоғи ва оқ моддаси ҳамда мияча тузилмаларининг микроскопик текширувда: бош мия юмшоқ пардасининг бўкиши ва шишиниши, микроциркулятор қон томирларининг нотекис тўлақонлиги аниқланди. Катта ва ўрта калибрли артерияларнинг деворлари қалинлашган, қатламлари ноаниқ, уларнинг бўшлиғида плазма коагулянтларини ифодалайдиган майда донатор масса тўпланиши кузатилди, вена қон томирлари юпқа деворли бўлиб, уларда эритроцитлар ва лейкоцитлар агрегацияси аниқланди. Периваскуляр қон қуйилиш ва эритроцитлар диапедези қайд этилди. Мия ярим шарлари пўстлоғида катта калибрли артерияларнинг девори шишинганлиги, қалинлашганлиги билан ажралиб турди. Бундай ҳолда, деворнинг қатламлари фарқланмади, улар тузилмаларининг бузилиши ва қисман деструкцияси қайд этилди ва бу ҳолатлар артериялар дистониясини ифодалади. Қон томирлар тўлқонлиги негизда, плазма ва шаклли элементларининг қатламларга ажралиши ҳамда плазма стази ҳолати кўринади. Суст ва ўрта даражали плазморрагия ҳолати қайд этилди. Катта калибрли веналар тўлақонли, уларда қон шаклли элементлари ва плазма таначалари агрегатлари алмашинуви мавжуд. Эндотелийнинг ядролари ҳар хил кўринишда бўлиб: гипо- ёки гиперхромли кўринишда, периваскуляр бўшлиқлар кенгайган. Ўрта ва кичик калибрли веналарда эритроцитлар агрегатлари мавжуд, нотекис тўлақонли, стаз ҳолати кузатилади. Баъзида микроциркулятор томирларида плазма ёки рангсиз эритроцитлар аниқланди. Пўстлоқ ости қисми оқ моддасида веноз тўлақонлилик, томир ичи стази ва эритроцитлар агглютинацияси, плазма стази қайд этилади. Глиал элементларнинг диффуз кўпайганлиги аниқланди, нейронлар ўткир шишиниш типига ўзгарган. Хужайра қисмларининг ўлчамлари катталашган, ўсиқлари шишинган, алоҳида хужайраларда ишемия кузатилади. Хужайралар ядроси гиперхром, деформациялашган, ўсиқлари ингичкалашган, хужайра – соя ҳолати ҳам мавжуд. Сателлитоз белгиларга эга бўлган глиал хужайралар сони ошган (2-расмга қаранг).




**2-расм. БМ пўстлоғи. Яққол ифодаланган ПВБ ва ПЦБ. Нейронлар дистрофияси. Гемотоксилин эозин билан бўялган. Об.40, ок.10.**

Мияча юмшоқ пардаси қон томирлари тўлақонли, вена қон томирларида стаз, эритроцитлар агглютинацияси кузатилади. Ганглиал қатлам нейронларида ўткир шишиниш типигаги оғир дистрофик ўзгаришлар аниқланади. Хужайра-соя кўриниши қайд этилди. ПЦБ ва ПВБ аниқ ифодаланган. Глиал хужайралар камроқ миқдорда аниқланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бош мия пўстлоғи ва пўстлоқ ости моддаси ҳамда мияча қон томир-тўқима тузилмаларидаги ўзгаришларнинг ривожланиш даражаси СО ва этанолнинг токсик таъсиридан келиб чиққан бўлиб, ўзгаришлар интенсивлиги қонда НвСО нинг 60% ва ундан юқори концентрациясида ҳамда қонда этанол концентрациясининг 3 промил ва ундан юқори бўлган ҳолларида қайд этилди.

Алкогол интоксикацияси негизидаги СО дан заҳарланиш ҳолатларида (2-гурух) кузатув натижаларини, 1- гурух (СО дан заҳарланиш) натижалари билан таққослаганда, ушбу гурухда қон томир-нерв тўқима тузилмаларидаги ўзгаришлар ифодаланиш даражаси қон томирлар тизимида яққолроқ кузатилди.

3-чи гурухда (10 ҳолатда) бош мия катта ярим шарлари ва мияча тузилмаларининг микроскопик текширувида қуйидагилар аниқланди. Мия юмшоқ пардаси шишинган, яққа ҳолдаги лимфоид элементлар, макофаглар, сийрак жойлашган диффуз тўпланган эритроцитлар учрайди. Турли тип ва калибрли қон томирлар тўлақонли даражаси бир хилда эмас. Пўстлоқ қон томирлари кўпроқ камқонли жойларга эга бўлган ҳолда нотекис тўлақонли. Веноз гиперемия, томир ичи стази ва эритроцитлар агглютинацияси кузатилади, плазма аниқланмайди. Микроциркулятор қон томирларининг деворлари пучайган, бироқ капиллярларда жойлашган эритроцитлар шишинган, устун кўринишида жойлашган, стаз ҳолати, мавжуд бўлиб, гиалинли тробмлар камдан-кам ҳолларда аниқланади. Кичик ва кучсиз ифодаланган эозинофил массалари мавжуд бўлган оптик бўшлиқлар шаклида периваскуляр ва перицеллюляр бўшлиқлар кенгайиши, мия моддасининг ривожланган крибрози мавжуд. Юмолоқ шаклдаги яққа ҳолдаги эритроцитлардан тузилган майда экстравазатлар кўринади. Танаси катталашган нейроцитларда шишиниш белгалари, ўсиқларининг калталашганлиги ва йўғонлашганлиги қайд этилади. Кучли ривожланган хромотолиз, кариопикноз, кариолизис, цитолиз аниқланади. Нейропил зичлашуви, оксифилларнинг тортилган ҳолатдалиги, перинейронал шишиниш мавжуд. Глиал хужайраларда ҳаёттилик реакцияларининг кучсиз дренаж шакли, сателлитоз, нейронофагия аниқланади. Баъзи ҳолларда глиоцитлар томирлар атрофига йўналган бўлиб, гиперхром, пикнотик ядрога эга бўлган глиал тугунчалар кўзга ташланади (3-расмга қаранг). Миячадаги ўзгаришлар қуйидаги белгилар билан ифодаланади – қон томирларида ўртача тўлақонлилик, нейронларда оғир дистрофик ўзгариши ва ўсиқларининг шишиниши. Кўриш майдонинг 1/3 қисмида хужайра-соя ноксимон хужайраларнинг топилади. Глиал хужайралар ўртача миқдорда. ПВБ ва ПЦБ кенгайган. Веноз қон томирлар тўлақонлиги, ичида стаз ва эритроцитларнинг агглютинацияси, плазма стази қайд этилади.

4-чи гуруҳнинг (8 та ҳолатда) микроскопик тасвирида миянинг юмшоқ пардаси томирларида бир қанча сладж ҳолати кузатилади, қоннинг шаклли элементлари кам миқдорда. Артериялар бўшлиғида эритроцитлар агрегатлари қайд этилади.




**3-расм. БМ пўстлоғи. Нейрон ҳужайралари сонининг кўпайиши, ўсиқларининг калталаниш. Кариопикноз. Глиал ҳужайраларнинг ҳаётгийлик реакцияси.**

**Гематоксилин - эозинда бўялган. Об.40.ок10. (HbCO – 68%, аёл - 26 ёш)**

Бош мия пўстлоғининг ўрта ва кичик артериялари спазм ҳолатида. Томирларда эритроцитлар шишган, бир-бирига жуда яқин жойлашган, ҳаттоки бир-бирига ёпишган, стаз ҳолатлари мавжуд. Қон томир эндотелияси ядролари шишинган, қон томир бўшлиғи кескин торайган, эритроцитлар тромб ҳосил бўлган. ПВБ кучли ривожланган. Микроциркулятор қон томирлари кенгайган нотекис тўлақонли. Бош мия пўстлоғининг кўплаб нейронлари атрофида ПЦБ яққол шаклланган. Молекуляр қатлам шишинган, юмшаган, гамогенли. Нерв ҳужайраларидаги гидропик ўзгаришлар, кариолиз ва цитолиз ҳолатлари аниқланади. «Эрийдиган» ҳужайралар кўзга ташланади. Нейронларда ядроларининг деформацияси, гиперхромлиги, ўсиқларининг калталашиши ва пикноморф нейронлар аниқланади. Глиал ҳужайралар диффуз кўпайган, сателлитоз ҳолати, глиоцитлар цитоплазмасининг шишиниши мавжуд. Баъзи олигодендроцитларнинг ядроси пикнотик. Қон томирлар атрофида криброзли нейропил қайд этилади. Бош мия ярим шарларининг оқ моддасида нерв толалари тартибсиз жойлашган, кам сонли олигодендроцитлар аниқланади. Ҳар хил диаметрли артериялар бўшлиғи пучайган, унда кам сонли эритроцитлар мавжуд. Капиллярлар эндотелияси катта яроли. Венулаларда ёйилиб кетган эритроцитлар аниқланади. Нейроглия дренаж шаклини олади, тартибсиз ётади, ва гуруҳлар ҳосил қилади, кўпинча микроглиал ҳужайралар топилади (4-расмга қаранг). Мияча юмшоқ пардаси ўртача даражада тўлақонли, томирларда стаз мавжуд. Ҳужайралар бир қисмининг калталашиши, ўсиқларининг шишиниши кузатилади. Соя -ҳужайралари топилади. Глиал ҳужайралардан томонидан ҳаётгий реакция қайд этилади. Периваскуляр ва перицеллюляр бўшлиқлар бироз кенгайган бўлиб, бўшлиқлардамайда кам миқдордаги эозинофил массалари топилади. Қон томирла ичида стаз ва эритроцитлар агглютинацияси қайд этилади.



Бу ҳолатларни 1-2 ва 3 гуруҳларда аниқланган ўзгариш натижалари билан таққослаганда, 4-чи гуруҳ кузатувларида қон томир-тўқима ўзгаришларининг яққол ифодаланганлиги билан ажралиб туради.



**4-расм. БМ пўстлоғи. Глиал хужайралардаги реакция. Эритроцитлар экстравазатлар. Нейронларнинг дистрофик ўзгаришлари. Гематоксилин - эозинда бўялган. Об.40.ок10.**

Визуал микроскопик текширув натижалари шуни кўрсатдики, СО дан захарланишнинг турли шаклларида мия ичи қон айланиши бузилишларининг ва нерв тўқимаси зарарланишининг баъзи хусусиятлари аниқланишига қарамай, ушбу ҳолатлар тузилмалар зарарланишини динамикаси ва миқдори ҳақида етарлича аниқ таассурот олишга имкон бермайди ва шунинг учун улардан фақат СО дан захарланиш диагностикасидан фойдалиш мумкин. Бунга эҳтимол сабаблар бош мия турли қисмларининг ва уларнинг топографик қатламларининг қон билан таъминлашнинг анатомик ва функционал хусусиятлари бўлиши мумкин. Алкогол интоксикацияси, термик травма каби омилларнинг таъсири бўлган ҳолатларда тузилмалар зарарланишининг кучайиши кузатилади. Шу муносабат билан бундай ҳолларда морфометрик текширув усулларидадан фойдаланиш зарурияти туғилади.

Диссертациянинг «**Ис газидан захарланишнинг турли шаклларида бош мия структурасининг морфометрик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи боби тўрта кичик бўлимдан ташкил топган бўлиб, СО дан фон ва рақобатдош ҳолатлар негизида ўткир СО дан захарланишида бош мия ва миёча тузилмаларининг морфометрик текширув натижалари келтирилган.

